

# СИРОЖИДДИН САЙИД

---

## ОЧИЛ, ЭЙ ГУЛ, КИ БЎСТОН ВАҚТИ БЎЛДИ

САЛОМЛАР АБАДДИР, ОНАЖОН

*Шеърлар*

ГУЛ РАНГИЮ ДИЛ РАНГИ

*Ғазаллар ва мухаммаслар*

УМР ВА АЙЁМ ФАРДЛАРИ

РЎЗҒОР БИТИКЛАРИ

ЮЗ ОҲ, ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР...

*Фироқ ва соғинч достони*

ЭЙ ИНСОН!

ТОВУШ СОЯСИ

*Таржима*

ТОШКЕНТ

---

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ

2014

УЎК 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)6  
С – 22

**С – 22 Саййид, Сирожиддин.**

Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди: Шеърлар,  
ғазаллар ва мухаммаслар, таржима. – Т.: «Sharq»,  
2014. – 512 б.

ISBN 978-9943-26-032-0

Шеър покиза туйғулардан яралади. Сир эмас, бугунги шеърият мислсиз техникавий тараққиёт, беқиёс ижтимоий эврилишлар шароитида яшаш йўлини ахтараётган инсоний кечинмалар сасидан туғилмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг ҳикмат ва эҳтирос алангасига йўғрилган сатрларини кўп бор ўқигансиз. У – кўнгил куйчиси. У – кўнгил ишқи ила тарбия топган, унинг ишқи билан донишманд бўлган ижодкор.

Олтин ўтда билинар, деган нақл бор. Бугун ҳақиқий шеър – кўнгил гавҳарининг қиймати бозор муносабатлари оловида синалмоқда. Сирожиддин Саййиднинг аввалги тўпламларига киритилган айрим шеърлари, “Юз ох, Заҳриддин Муҳаммад Бобур” достони, шунингдек асосан кейинги йилларда ёзилган янги шеърларидан тартиб берилган навбатдаги китоби – ана шу алангада тобланиб, ўзлигини намоён этган назм намуналаридир.

**УЎК 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-26-032-0

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти, 2014.

**СИРОЖИДДИН САЙИД**

---



*Ҳаёт остонасин кўммагай хазон,  
Тириклик гоҳ тупроқ,  
Гоҳ осмонийдир.  
Саломлар абаддир, онажон,  
Видолар фонийдир, фонийдир.*

1975

\* \* \*

*Булбул яшай олмас чамансиз, она,  
Инсон хор бўлгайдир ватансиз, она.  
Ватан барчамизга буюк Онадир,  
Сиз буюк Ватансиз, Ватансиз, она.*

2013



## САЛОМЛАР АБАДДИР ОНАЖОН

---

\* \* \*

Ёмғирлар йиғлашиб сел бўлди, она,  
Соғинчлар бирлашиб йил бўлди, она.  
Тўпланиб-тўпланиб барча оғриқлар  
Менинг кўкрагимда дил бўлди, она.

\* \* \*

Ҳасрат ўчоғида ўтинман, ёмғир,  
Қисмат қирғоғида тутунман, ёмғир.  
Бунчалар мулойим, илиқ ёғурсан,  
Онам йиғладими бу тун ҳам, ёмғир?

\* \* \*

Уфқлар, қирлару осмонгача қор,  
Тошкентдан Термизу Сурхонгача қор.  
Она, бул соғинчни қандоқ ёзайин,  
Ўртамизда чексиз оппоқ варақ бор.

*1995, 2000*

## БУЮК МУАЛЛИМ

Мен Ватанни ўрганмадим заридан,  
Ўрганмадим уни ҳур ё паридан.  
Кафтларининг чизиқлари – хати ҳам  
Ажинлари бўлди менинг харитам.  
Шу хатларда кўргандим илк Ватанни,  
Ўз онамдан ўргандим мен Ватанни.

Меҳрлари қошу кўзлар бўлдилар,  
Ою қуёш мисол юзлар бўлдилар.  
Жисмим аро улғайдилар, тўлдилар,  
Ватан янглиғ улуғ сўзлар бўлдилар.  
Киприklarин остларида тургандим,  
Мен Ватанни шу кўзлардан ўргандим.

Нокаслардан ўрганмадим мен уни,  
Ёт каслардан ўрганмадим мен уни.  
Ору қарздан ўргангандим мен уни,  
Хору хасдан ўргангандим мен уни.  
Ўзим кийик сўқмоғида юргандим,  
Мен Ватанни сўқмоқлардан ўргандим.



Осмонлари бошим узра огоҳлар,  
Гиёҳидан дилга олдим гиёҳлар,  
Райҳонларин сиёҳидан сиёҳлар,  
Булоқлардан кўзлар олдим, нигоҳлар.  
Ўзим ҳам бир чечакларга буркандим,  
Мен Ватанни гиёҳлардан ўргандим.

Менга азал азиз бўлган баридан,  
Бешигимдан талпинган пайтларимдан,  
Умр кўрган ҳар кексаю қаридан,  
Меҳнатларин ёдлаб ўсдим бағридан.  
Пайкалларин кокиллардай ўргандим,  
Мен Ватанни эгатлардан ўргандим.

Ушоқ нонинг қадри минг элга маълум,  
Дарс олдим мен сувлар ичган маҳалим.  
Булбулларинг тилларида шу таълим,  
Ўзинг устоз, ўзинг буюк муаллим.  
Ҳикматлардан қургандим мен Ватанни,  
Заҳматлардан ўргандим мен Ватанни.

*2007, 2012*

## МАЪРИФАТ ҚАСРИ. МИЛЛИЙ КУТУБХОНА

Менинг боболарим — бу кавну макон,  
Ой, қуёш, кечаю кундузлар қадар,  
Етти иқлимдан то замину замон,  
Энг кичик илдиздан юлдузлар қадар,

Заррадан то авжи коинотгача  
Қадамлаб, варақлаб ағдариб чиққан.  
Етай деб энг буюк синоатгача  
Фақат илму ҳикмат ахтариб чиққан.

Дунёга не зотлар келиб кетмади —  
Кимлар тож кийса, ким тахтлар ағдарган.  
Агарчи тубига ҳеч ким етмади,  
Менинг боболарим китоб ахтарган.

Сенинг каломингни, ё қодир Оллоҳ,  
Сарфу наҳвигача ёдлаб чиққанлар.  
Олам хоқонлари йиғса зар, тилло,  
Менинг султонларим китоб йиққанлар.

Энг кўҳна китобдир бу қадим олам,  
Ибрату меҳнатдан иборат бўлган.